

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 22 июнь, № 129 (8191)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон — Озарбайжон: ИККИ ҚАРДОШ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ КЕЛАЖАГИГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Дунёда тили, урф-одатлари, маданияти, ҳатто ташқи кўринишидан бир-бирига ўхшаб кетадиган миллат ва элатлар кўп. Ўзбек ва озарбайжон халқларини ана шундай халқлар қаторига бемалол қўша оламиз. Ҳар икки миллат вакиллари бир-бирини таржимасиз тушуна олади. Турмуш тарзимиз, анъана ва урф-одатларимиз, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда муштарак жиҳатларни кўлаб учратиб бўлиш мумкин.

Бу икки буюк халқни асрлар, минг йиллар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ўхшаш жиҳатлар ҳам бор. Халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги хисобланмиш, “Авесто” китоби, шунингдек, халқ оғзаки ижоднинг ўлмас дурдоналари саналган “Гурўгли”, “Ошиқ Фароб”, “Дада Кўрқут” достонлари ана шу азалий қардошлиқ, дўстлик ва биродарликнинг ёрқин исботидир. Ўзбек муҳаббатининг гултожи саналган нодир мақомларимиз ва бетакор Озарбайжон муғомлари орасидаги ҳамоҳанглик ҳар икки халқ ўртасидаги яқинликни ўзида ифодалайди.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати тўғрисида сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги янада мустаҳкамланди.

Озарбайжон Президентининг давлат ташрифи Хайдар Алиев номидаги янгиланган кўча ва унинг ёдгорлиги очилишидан бошланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжоннинг умуммиллий етакчиси ва биродар озарбайжон халқига ўз ҳурмат-эҳтиромини билдирди.

— Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси, ўзбек халқининг яқин дўсти Хайдар Алиев шарафига номланган кўчанинг очилиши маросимидан бошлангани катта рамзий маънога эга.

У киши XX асрнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси сифатида тарихга кирди. Хайдар Алиевнинг қатъияти, кучли сиёсий иродаси ва беқиёс етакчилик сифатлари тўғрисида ёш суверен давлат барча қийинчилик ва синовларни муносиб энгиб ўтди, — деди Президентимиз.

Ўзбекистон раҳбари Озарбайжон умуммиллий етакчиси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва қардош халқларимизнинг тарихий ришталарини изчил мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади.

Озарбайжон Президенти, ўз навбатида, ушбу ташриф унинг пандемиядан кейинги илк хорижий ташрифи эканини қайд этиб, давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига Хайдар Алиевнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлашга қаратилаётган доимий эътибор учун миннатдорлик билдирди.

— Азиз қардошим Шавкат Миромоновичдан Тошкент марказида отам Хайдар Алиев хотирасига бағишлаб шундай кўркем гўшани барпо этиш ташаббуси учун жуда миннатдорман. Биз бундан ўзбек қардошларимизнинг буюк етакчилигига, умумий тарихимизга чинакам биродарона муносабати сифатида қабул қиламиз. Бу бугун Озарбайжон халқига ҳурмат ифодаси ҳамдир, — деди Озарбайжон етакчиси.

Маросимда зиёлилар, нурунийлар, озарбайжон юртдошларимиз ҳам сўзга чиқди. Улар Хайдар Алиев номидаги обод кўча ва хиёбон қардош халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин рамзи эканини таъкидладилар.

Ўзбекистонда озарбайжон миллатига мансуб 40 минг нафарга яқин юртдошларимиз истикомат қилмоқда. 2003 йилда Озарбайжон маданият марказлари уюшмаси ташкил этилган. 2010 йилда Озарбайжон элчихонаси қошида Хайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказининг янги биноси очилган.

Шундан сўнг Озарбайжон Президенти давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга келган олий даражадаги меҳмонлар томонидан ушбу монументга гул қўйиш маросими анъанага айланди.

Кўксарой қароргоҳида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган майдонда Озарбайжон Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни кутиб олди.

Давлат раҳбарлари шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат мадҳиялари янгради. Мамлакатларимиз етакчилари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Маросимда Ўзбекистон ва Озарбайжон расмий делегациялари аъзолари иштирок этди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев тор доирада учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва

Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбостилаш ҳажми барқарор ошиб бормоқда. Кўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

2021 йил сентябрь ойида Озарбайжонда мамлакатимиз автомобилларини йиғиш корхонасининг ишга туширилгани муваффақиятли қўшма лойиҳалардан бири бўлди. Ташриф арафасида ўтказилган бизнес форумида умумий қиймати ярим миллиард долларлик янги инвестиция ва савдо келишувлари имзоланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари учрашув чоғида икки мамлакат худудидида нефть-газ, газ-кимё, тўқимачилик, фармацевтика, виночилик ва озиқ-овқат тармоқларида саноат кооперацияси истиқболларини муҳокама қилдилар.

Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Транспорт йўлақларини ривожлантириш, юк ташиш тарифларини мақбуллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентлар худудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, биргаликдаги ишбилармонлик ва маданий тадбирларни ўтказиш, сайёҳлар алмашинувини кўпайтириш муҳим эканини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий вазият юзасидан ҳам фикр алмашиб, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг музокарали икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишни очар экан, Озарбайжон Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва вақт билан синалган, ишончли стратегик шериги эканини таъкидлади. Мамлакатларимизнинг дин, маънавий қадриятлар муштараклиги, анъаналар, тил ва маданият ўхшашлиги боғлаб туради.

Шавкат Мирзиёев ўзаро манфаатли ҳамкорлик юксак даражага чиққани, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро англашув мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклигини янада кенгайтириш ва уни янги амалий маз-

мун билан бойитишга интилиш қатъий эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ҳамкорлик учун мавжуд улкан салоҳиятни ишга солиш, икки мамлакат иқтисодиётини тўлдириб турвчи омилардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, виночилик, озиқ-овқат, қурилиш, нефть-газ, газ-кимё, фармацевтика, агросаноат ва бошқа тармоқларда қатор лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этди. Мамлакатларимизда истиқболли кооперация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш мақсадида қўшма Инвестиция фондини ташкил этишга келишиб олинди.

Шунингдек, махсулотларни учинчи мамлакатлар бозорига экспорт қилиш учун давлатларимиз худудидидаги эркин иқтисодий зоналарда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу маънода, транспорт коммуникациялари тизимидан, шу жумладан, Боку — Тбилиси — Қарс темир йўлидан фойдаланган ҳолда бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари келишиб олинди. Икки томонлама савдо ва товарлар транзити йўлидаги тўсиқларни ўз вақтида бартараф этиш учун транспорт вазирлари раҳбарлигидаги махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши — қишлоқ ҳўжалиги. Бу борадаги имкониятлар қайд этилар экан, мутасадди вазирларга ипакчилик кластерини ташкил этиш, гўзачиликдаги лойиҳаларни илгари суриш, инновацион ишланмаларни жорий қилиш бўйича “Йўл харитаси”ни келишиб олиш топширилди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда худудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар муҳим ўрин тутди. Томонлар яқин фурсатда мамлакатларимиз пойтахтлари ва йирик шаҳарлари ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишига келишиб олдилар. Давлатимиз раҳбари жорий йилда Тошкент шаҳрида биринчи Худудлар форуми ва уларнинг саноат салоҳиятига бағишланган кўргазмани ўтказиш тақдирини илгари сурди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳам ишбилармонлик ва гуманитар алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши қайд этилди. Президентлар бу борада алоҳида дастур қабул қилиш ва қўшма туризм ярмаркасини ўтказиш гоёсини қўллаб-қувватладилар.

Музокаралар чоғида маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, жумладан, Маданият ва кино кўнларини ўтказиш, олий таълим даргоҳлари, илмий муассасалар, спорт ва ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш юзасидан қатор бошқа келишувларга ҳам эришилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзолادилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурда икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди. Худудлараро ҳамкорлик, саноат, халқаро автомобиль қатнови, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳаларидаги ҳамкорлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастури шулар жумласидан.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларида амалий шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президентлар музокаралар очкилик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон делегациясини самимий қутлаб, икки халқ муносабатларининг шонли тарихи бугунги кўп қиррали ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратганини таъкидлади.

— Маънавий қадриятларимиз, диний-маънавий раҳмат ва тилимиз ўхшаш, — деди Шавкат Мирзиёев. — Аҳмад Фарғоний ва Абу Райҳон Беруний асарларида Озарбайжоннинг Шарқ ва Фарб тамаддуллари бир-бирини бойитган қўллаб-шаҳарлари тилга олинган. Шарқшунослик институти фондларида Эса Низоий, Ҳоконий, Тусий, Фузулий, Хатойи ва бошқа озарбайжон шоир ва мутафаккирларининг ўнлаб ноёб қўлёнамлари авайлини сақланмоқда.

Бу ўзбек халқи азал-азалдан озарбайжон маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билдириб келаётганининг яна бир далилидир, деб таъкидлади Ўзбекистон етакчиси.

— Тор ва кенгайтирилган таркибдаги учрашувларда икки томонлама кун тартибидидаги масалаларни батафсил муҳокама қилдик. Музокаралар ҳамкорлигини мизни халқларимиз манфаатлари йўлида бундан бўён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлашга тайёрлигимизни кўрсатди. Салмоқли ҳужжатлар тўламини имзоланди. Улар орасида икки томонлама муносабатларда янги босқични бошлаб берадиган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида декларация имзоланди. Биз ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини ҳам белгилаб олдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Томонлар ҳамкорлигини тўбдан фаоллаштириш учун кенг имкониятлар борлиги, энг аввало, иқтисодиётларимизнинг бир-бирини тўлдириб туришига ишонч билдирдилар.

Ҳожикабул шаҳрида автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, ипакчилик соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиётгани бунга мисол. Қазиб чиқариш, нефть-кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик махсулотлари, озиқ-овқат, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, виночиликда ўнлаб янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Навбатдаги стратегик йўналиш — стратегик коммуникацияларни ривожлантириш. Бугун юкларни, шу жумладан, Боку — Тбилиси — Қарс темир йўли орқали ташиш ҳажми ортиб бормоқда. Томонлар янги йўлақларни ташкил этиш, мультимодал ташишларни кўпайтириш, транспорт корхоналари учун қўлай шарт-шароитлар яратишга келишиб олдилар.

Иқлим билан боғлиқ хатарлар ва озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, музокараларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Илмий ва инновацион ечимлар билан фаол алмашиш, аграр тармоқни ра-

қамлаштириш бўйича шерикликни йўлга қўйиш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қарор қилинди.

Музокараларда худудлараро алоқаларни фаоллаштиришга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунга жорий йил кузидида Тошкент шаҳрида биринчи Худудлар форумининг ўтказилиши хизмат қилди.

Маданий-гуманитар соҳада ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз азалдан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Музокаралар якунида Маданият ва кино кўнларини ўтказиш, гуманитар ва туризм алмашинувида доир дастурларини ривожлантиришга аҳдлашиб олинди.

— Озарбайжон Президентининг тарихий аҳамиятга эга давлат ташрифи олдинга ташланган улкан қадамдир. Бугун биз биродар халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлашга мамлакатларимиз стратегик шериклигини чуқурлаштириш учун барча шароитларни шакллантирдик, — деди Ўзбекистон Президенти.

Президент Илҳом Алиев таклиф учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон эришяётган ютуқлардан хурсанд эканини таъкидлади.

— Қардош Ўзбекистон заминидида бўлиб турганимдан, Сиз билан икки томонлама муносабатларнинг кенг доираси ва ташқи сиёсий кун тартибидидаги муҳим масалаларни муҳокама қилишдан мамнунман, — деди Илҳом Алиев. — Ўйлайманки, бу, ҳақиқатан ҳам, муваффақиятли ташриф. Чунки муҳокама қилинган мавзуларнинг моҳияти, шакли, мазмуни бўйича ҳам, биз қабул қилган қарорлар бўйича ҳам ушбу ташриф ва келишувлар муносабатларимизнинг янада ривожланишига асос бўлади.

Озарбайжон етакчиси имзоланган ҳужжатлар ва бугунги вазифалар ижроси мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини янада мустаҳкамлашни қайд этди.

— Бугун биз иқтисодий ҳамкорлик, бизнес тузилмалари ўртасидаги алоқалар, хавфсизлик ва мудофая қўбилиши, маданий-гуманитар алоқалар тўғрисида фикр алмашдик. Яъни кенг маънода айтганда бўлса, фаол ҳамкорлигимиз учун пойдевор яратилмоқда, — деди Озарбайжон Президенти.

Давлат раҳбарлари халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро мулоқот конструктив кечаётгани ва ўзаро қўллаб-қувватлаш муҳим эканини таъкидладилар. Шундан сўнг Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрди.

Кўксаройда бўлиб ўтган музокараларда икки мамлакат ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Юртидаги эркин иқтисодий зоналар, технопарклар бунинг учун қўлай майдон.

Пойтахтимиздаги Технопаркда умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа йўлга қўйилган. Бугунги кунда шундан 13 таси ишга тушган бўлиб, электрон газ хисоблагич, музлаткич, саноат кондиционерлари ва совитиш тизимлари, лифт ва эскалаторлар, сув насослари, эшик ва дераза ромлари учун асоссуларлар ясалмоқда. Бу товарлар хорижий брендлар назорати остида тайёрланиши боис минтақа бозорларидан ўрин эгалламоқда.

Бу йил изоляция махсулотлари, сув иситиш ускуналари, ошхона техникаси корхоналари ҳамда логистика маркази фойдаланишга топширилди.

Озарбайжон Президенти ва меҳмонларга бу ерда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб берилди.

Давлат раҳбарлари саноат соҳаси мутасаддиларига биргаликда ишлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, саноат кооперацияси ва савдонини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига дарахт экти.

Бу ташрифга узоқ ва пухта тайёрларлик кўрилган эди. Эришилган натижалар шунга муносиб бўлди — икки мамлакат ҳамкорлиги келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Давлат раҳбарлари экан нихол ушбу янги режаларнинг, халқларимиз дўстлигининг рамзи сифатида гуллаб-яшнайд.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

2 МУНОСАБАТ

КОНСТИТУЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ ОДАМЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ БИРИНЧИ ЎРИНГА ҚЎЯДИГАН ДАВЛАТЛАРГА ХОС ХУСУСИЯТДИР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказган учрашуви ва унда давлатимиз раҳбари томонидан Бош қомусимизга ўзгаришлар киритиш бўйича илгари сурилган тақлифлар халқаро сиёсий, эксперт-таҳлил ва илмий-академик доиралар вакиллари томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Анжуман

Зулфирни БАХАРУДДИН, Сингапурнинг Ўзбекистондаги элчиси (қароргоҳи Сингапур шаҳрида):



Ўзбекистонда бошланган конституциявий ислохотлар республикада амалга оширилаётган кенг қамровли янгиланиш жараёнининг самараси, деб ҳисоблайман.

Юртингизда Конституцияни такомиллаштириш мақсадида илгари сурилган ёлғоннинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Тақлиф этилаётган кенг қамровли ислохотлар ўзбек халқининг манфаатлари ва мамлакат раёнақи учун муҳим ҳисса қўшади. Уларнинг натижаси янги Ўзбекистонни барпо этишда ўз ифодасини топади.

Мен "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган моделини ўринли тақлиф, деб биламан. Босиш ушбу гоа жамият манфаатлари ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, давом этаётган ривожланишнинг диверсификация йўлида, маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардор устуликларини шакллантириш ва натижада инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган шартларни яратиб беради.

Бундан ташқари, "Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш" моделини яратиш гоёсини ҳам қўллаб-қув-

ватлайман. Маълумки, ушбу модель ҳуқуқий давлатда сиёсий ва ижтимоий, гуруҳларо ра ҳамда давлатлараро қарама-қаршиликларнинг универсал ва афзал тартибга солувици бўлиб, ташкилотлар учун барқарор нормалар ва ҳулқ-атвор қоидалари тизимини жорий этади.

Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ҳисоб палатаси раҳбарларини лавозимга тайинлаш ваколатини давлат раҳбаридан Олий Мажлисга ўтказиш тақлифи барча фуқароларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш бўйича муносиб йўлни босиб ўтганини таъкидламоқчиман. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган наватбадга сиёсий ислохотларнинг ҳам ижобий баҳолайман ва Ўзбекистон Бош қомусидан ўрин оладиган барча янгилк муваффақиятли жорий этилишига ишонаман.

Месут Эмре КАРАКЎСЕ, Туркия Буюк Миллат Мажлиси (парламент) қонунчилик масалалари бўйича эксперти, «Сохибқирон» Стратегик тадқиқотлар маркази директори:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказган учрашувидаги нукти менда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон раҳбарининг "Инсон қадрини унун" гоёси ва "Инсон — жамият — давлат" тамойилининг янги Конституцияга татбиқ этилиши янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлатчилиги ва демократик ислохотлар йўлида том маънода жиддий қадам



оламиз. Мазкур давр ҳуқуқий ва конституциявий ўзгаришларни талаб қилмоқда. Бунинг давлат раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, мамлакат Конституциявий комиссиясига келиб тушган 48 мингдан зиёд тақлифлар тасдиқламоқда.

Ҳуқуқшунос ва қонунчилик бўйича эксперт ўлароқ шуни таъкидламоқчиманки, янги Ўзбекистоннинг янги Қомусида умумжаҳон нормаларида тан олинган "Хабееас корпус" ва "Миранда" қоидаларининг муҳрланиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, давлат раҳбари томонидан республикада олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг жаҳон афқор оммаси томонидан сўзсиз тан олиншига олиб келиши, шубҳасиздир.

Далия ОЛТУНТЕПЕ, Ўзбекистон — Нидерландия дўстлик жамғармаси раиси:

— Ўзбекистон конституциявий ислохотларга тайёргарлик қўрмоқда. Шубҳасиз, бу билан мамлакат ўз мустақиллиги давридаги энг муҳим босқичлардан бирига қадам қўймоқда, десак, мулоғла бўлмайди.

Дунё шиддат билан ривожланиб, одамларнинг ўн — ўн беш йил аввалги дунёқараши, маданияти, қадриятлари ўзгариб бораётган бир шароитда Конституцияни такомиллаштириш, уни замон талабларига мослаштириш, жамиятдаги жадал жараёнини имкон қадар қамраб олиш — халқ манфаатларини, одамларнинг фаровонлигини биринчи ўринга қўядиган давлатларга хос бўлган хусусиятдир.

Шу нукта назардан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда бошланган конституциявий ислохотлар, албатта, узққни ўйлаб қилинаётган, кенг қамровли сиёсий тадбир бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.



Асосий Қонуннинг янада халқчил ва халқпарвар бўлишига ўз ҳиссасини қўшади.

Ли Кён Шик, «The Korea Post» журнали раҳбари:

— Мен Жанубий Кореядаги оммабоп журнал раҳбари сифатида, дунёда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар, сиёсий жараёнлар ҳамда ислохотларни кузатиб бораман. Ўзбекистон бугун Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳада тараққиётнинг янги босқичига қадам ташлади.

Айни пайтда юртингизда конституциявий ислохотлар бўйича олиб борилаётган қизғин жараёнлар ҳақида бизнинг журнал ҳам материалларни чоп этмоқда.

Албатта, туб бурилишлар даври, ўз навбатида, нафақат амалдаги қонунчилик, балки мамлакат Конституциясини ислох қилиш, янги давр макссаларини унга тўлиқ ақ этириш вазифасини кун тартибига қўяди. Бундан қўриш мумкинки, конститу-

циявий ислохотлар давр талаби ва тараққиётнинг шартли саналди.

Бугун Ўзбекистон марррани жуда баланд олгани ҳеч қимга сир эмас. Чунки глобаллашув жараёнининг шиддати, жаҳонда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш эволюцияси шуни тақозо этмоқда. Хар бир соат, ҳар бир кундан самаралани, унумли фойдаланиш сув ва ҳаводек зарур.

Менинг назаримда, бугунги Ўзбекистоннинг янада раванқ топиши, бошланган ислохотларнинг самараси икки муҳим ижтимоий ҳодисанинг қай даражада амалга ошишига боғлиқ. Улардан бири фуқароларнинг ижтимоий сафарбарлиги бўлса, иккинчиси хар бир Ўзбекистонликнинг юксак фуқаролик позициясига қадоқдор.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш юксак сиёсий-ҳуқуқий онг ҳамда маданият соҳибни бўлган қомил инсонни шакллантиришни талаб қилади.

Ўз ҳуқуқи, қонуний манфаати, эркинлиги қаторида бурч ҳамда мажбуриятларини чуқур англаган шахслар юрт тараққиётининг таянчи ва пойдеворидир.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувада конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, янгиланаётган Бош қомусида қўзда тутилган асосий йўналишларга батафсил тўхталиб, ушбу ислохотлар юрт тақдир ва келажақи учун гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлган масала эканини алоҳида таъкидлади.

Албатта, мамлакат раҳбари томонидан билдирилган фикрлар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бунинг даврининг ўзи тақозо этмоқда. Чунки инсоният, Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, илмий-технологик даврга қадам қўйди. Жаҳонда кескин трансформация жараёналари ва рақобат кучаймоқда.

Ана шундай бир даврда Ўзбекистонда конституциявий ислохотларни ўтказишга талаб пайдо бўлди, деб ўйлайман. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатингизда Конституцияни бугунги давр талаб-

рига мослаштириш, уни янада такомиллаштириш мақсадида бошланган ислохотларга муваффақият тилайман.

Ўлғубек АСАДУЛЛАЕВ, Қозоғистоннинг Манғистау вилоятидаги «Пахтакор» ўзбек этно-маданий бирлашмаси раиси ўринбосари:



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни халқнинг хоҳиш-истаги, эзгу макссаларининг ифодаси ва мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг мантқиқий давомидеб аташ мумкин. Бугун Ўзбекистонликлар томонидан билдирилаётган тақлифлар "Инсон — жамият — давлат" тамойилига асослангани ва ўзининг кенг қамровлилиги билан ажралиб турибди.

Хусусан, бу тақлифлар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини юксалтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, таълим, илм-фан соҳаларини тараққий топтириш каби қатор йўналишларни ўз ичига олганини қўришимиз мумкин.

Аҳоли фикри ва тақлифларини ўрганиш учун "meningkonstitutsiyam.uz" тўлиқформасининг яратилгани дунёнинг турли нуқталаридаги Ўзбекистон фуқаролари учун ўз фикр-тақлифларини билдириш орқали Бош қомусини янада бойитишда ўзига хос имконият яратди.

Мазкур онлайн-платформада қолдирилган тақлифлардан келиб чиқиб, шуни айтиш керакки, фикрларда замон руҳи ва дунё тақрибаси ақ этмоқда. Шу жиҳатдан, конституциявий ислохотлар ўта долзарб ва ўз вақтида амалга оширилмоқда, дейиш мумкин.

«Дунё» АА.

МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Шу йилнинг 20 июнь куни мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашиб, конституциявий ислохотлар юзасидан муҳим ва ҳаётий тақлифларни илгари сурди. Давлат раҳбари томонидан айни жараёндаги аҳолининг фаоллиги, мамлакат келажағига бефарқ эмаслиги юксак баҳоланди.

Қўйда мазкур учрашувада иштирок этган Конституциявий комиссия аъзолари ва бошқа қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Ишбилармонлик ва инвестициявий фаоллик рағбати

Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:

— Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувада инсон қадрига дахлдор бир қатор долзарб ва ҳаётий ташаббусларни илгари сурди. Халқимиз орасида "снос" деган ном билан машҳур бўлган муаммо борлигини, бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун уй-жой бўйича конституциявий қафолатни белгилаб қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Бу суднинг қарорисиз ҳеч қим уй-жойдан маҳрум қилинмади, иморат бузилишига тўшадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматига мос равишда компенсация тўланади, дегани.

Бундан ташқари, учрашувада инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини юксалтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, таълим, илм-фан соҳаларини тараққий этириш, хусусий мулк дахлсизлигини янада мустаҳкамлашга доир муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, уй-жойга ёки шахсининг бошқа мол-мулкига унинг рўксатисиз кириши, уларни қўздан кечириш ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши Конституцияда қатъий белгиланиши энг тўғри ва оқилона қарор бўлди.

Ушбу ташаббус қўл сонли аъзоларимиз, айниқса, тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Таъбир жоиз бўлса, уларни ҳаракатга келтирди, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, фаолиятини кенгайтириш янги-янги иш ўринлари яратишга қўрдади. Чунки тадбиркорга зарур шaroитлар яратиб берилса, тўплаган мол-мулки, пулини янги иш ўрни очилишга сарфлайди, нафақат оиласини, балки эл-юртининг ҳам боқсади.

Бугун хусусий мулкисиз, унинг ишончли қафолатисиз қўчи ижтимоий давлатни қўриб бўлмаслиги сабабли Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий қафолатларни кучайтириш лозим. Бу орқали ҳар бир тадбиркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида эканини ҳис этади. Ҳаётдан қўнгли тўлиб, руҳи кўтарилиб, янги марраларга интилади.

Шу жиҳатдан, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг роилигисиз, адолатли тован пулисиз, мулкидан маҳрум этилмаслиги керак. Ўз навбатида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта қўриб чиқилмаслиги ҳамда кеор қилинмаслиги масаласи конституциявий қафолат сифатида белгиланиши айни мулоқоддир. Бу имкониятлар тадбиркорлик жадал ривожланишига, янги иш ўринлари яратилишига, ҳар бир шахсининг қўлай меҳнат шaroитида ишлаш, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида иқтисодиётимизни ҳаракатга келтирувчи асосий кун бўлган тадбиркорликнинг ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва говларни олиб ташлаш, шу мақсадда Конституцияимизда мамлакатимизда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатланиши, ички ва ташқи савдо ривожланиши учун давлат барча шaroитини яратиши ҳақидаги нормани мустаҳкамлаш лозимлигини ҳам билдирди. Шунингдек, давлат хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини ҳамда шaroитларни таъминлаш, эркин ва ҳақ рақобатнинг ҳимоя қилиниши, иқтисодий фаолиятда монополаштиришга йўл қўйилмаслигини қафолатлаши, Асосий Қонунимизда ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланиши лозимлиги айтилдики, буларнинг барчаси тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг айни дилидаги гап бўлди.

Биз Президентимиз томонидан билдирилган тақлифларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Хусусан, мол-мулк, уй-жой дахлсизлиги масаласини Конституцияда белгилаш — партияимиз аъзолари ва электорати манфаатларига тўла мос келади. Мол-мулк дахлсизлиги қафолатланиши эса ишбилармонлик ва инвестициявий фаоллиқни рағбатлантиради.

Миллионлаб юртдошларимиз дилидаги тақлифлар айтилди

Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари:



— Ҳўғрисини айтиш керак, Президентнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашуви конституциявий ислохотлар ҳақидаги тушунарли бунунлай ўзгариш уйғотди. Бош қомусимиз ислохот бўлиб боғлиқ халқимиз фаровонлиги, давлатимиз тараққиётига хизмат қилувчи қўллаб муҳим тақлифлар илгари сурилди. Қувонарлики, давлат раҳбари томонидан билдирилган тақлифларнинг асосий қисми партияимиз вакиллари томонидан билдирилган тақлифлар билан ҳаммаханг.

Айни пайтда туб ислохотлар давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги келишув саналган олий қонун — Конституцияимизни янгиқа қарашлар асосида таҳрир қилиш заруратини кун тартибига қўяётир.

Мана бир ойдиқри, Олий Мажлис палаталари Кенгашлари қарори билан ташкил этилган Конституциявий комиссия фаол иш олиб бормоқда.

Утган вақт мобайнида "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан фуқаролар билан биргалликда 900 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди, аҳоли билан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, 2000 нафарга яқин маҳаллий Кенгаш депутатларидан келиб тушган тақлифлар партия Марказий Кенгашида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан таҳлил қилиниб, 100 дан ортиқ тақлифлар Конституциявий комиссияга киритилди.

Шу ўринда ушбу тарихий учрашувада хориждаги ватандошларни қадрлаш масаласини айнан Конституцияга киритиш тақлифи илгари сурилганини бугун кўннинг ниҳоятда муҳим тақлифларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тақлифнинг қанчалар зарур ва долзарб эканини пандемия даври ҳам яққол қўрсатиб қўйди, дейиш мумкин. Гарчи ўша даврда амалдаги қонунларда ечими қўрсатилмаган бўлса-да, Президентнинг парламент томонидан қўллаб-қувватланган ташаббуслари асосида минглаб юртдошларимиз ва хориждаги ватандошларимиз Ўзбекистонга олиб келиниб, уларни давлат ишлари учун катта маблағ ажратилишини таъкидлаш жоиз.

Жуда катта хавф-хатарларга қарамай, қирғинбарот уруш ўқюқларидан ҳам қўллаб ватандошларимиз Ватанга қайтарилди. Энг асосийси, уларга янги ҳаёт бошлаш учун амалий ёрдам қўрсатилди. Ана шундай жараёнларда ватандошлар билан яқиндан ишлайдиган "Ватандошлар" жамоат фонди ҳам ташкил этилди.

Инсон қадрини, унинг орзу умидлари ҳақида гап кетганида узок йиллар давомида ўз Ватани фуқаролигини ололмаётган ватандошларга қисқа вақтда фуқаролик берилганини таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Янги Ўзбекистон ислохотлари қўрилиш индустрияси ривожланишига олиб келди. Мамлакатимизда сўнгги бир неча йилда қўрилган уй-жойлар ҳажми 70 йил совет даврида қўрилган уй-жой ҳажмидан кўп. Ижтимоий уйлр, уйга муҳтож ватандошлар молиявий қўллаб-қувватлаш дастурлари орқали қўллаб-қувватланапти.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инсонни қадрлаш баландлароғ гап эмас, узок муддатга мўлжалланган миллий сиёсатга айланганидан далолатдир

ва яқуний хулосалар бу масаланинг ҳақли равишда Конституцияимизда халқимизга ҳоз қадрияти сифатида ақ этиши кераклигини қўрсатапти.

Ишончимиз комилки, учрашувада Президент томонидан билдирилган тақлифлар Бош қомусимизда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш ва бу масалада давлатнинг масъулиятини кузатиб бораётган аниқ белгилаб қўйилиши миллионлаб юртдошларимиз хоҳиш-иродаси билан боғлиқдир.

Президент томонидан қадриятларимизга берилган эътибор, шу рўдаги тарбиянинг аҳамиятига конституциявий тус берилиши ҳам аҳолимизнинг айни кўнглидаги, дилидаги фикрлардир.

Бош қомусимизнинг ягона манбаи ва муаллифи — халқ

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси:

— Учрашувада Президентимиз киритган тақлифлар мажлис қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзини диққат билан тингладик. Айниқса, ўлим жазосини қайта тиклаш нотўғри бўлишини таъкидлаб, "Агар сизлар қўллаб-қувватласангиз, Конституцияимизга "Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади", деган яна бир муҳим нормани киритишни тақлиф қиламан", деганлариде, назаримда, ҳамманинг кўнглидаги фикрлар айтилди.

Чунки биз ҳар битта алоҳида олинган давлатнинг ҳам, умуман олганда, сайёрамизнинг ҳам энг бебаҳо бойлиги инсон, унинг ҳаёти ва қадр-қиммати, деб биламиз. Шундай эган, табиатнинг гултожи ҳисобланган инсон, инъом этилган умри давомида, аввало, дахлсиз яшашга, тўлақонли ва фаровон ҳаёт кечиришга ҳақли.

Дарҳақиқат, ўлим жазоси адолатли ижтимоий давлат шаклига ҳам, янги Ўзбекистоннинг мафқурасига ҳам хос эмас. Мамлакатимиз қонунчилигида ўлим жазоси ўрнига умрбод қамоқ жазоси белгиланган бўлиб, бу жазо узок йиллар давомида қамоқда ўтиришга мажбур қилади. Натижада маҳбус ҳам руҳан, ҳам жисмонан жазоланади. Ҳаётда дастлабки тергов ёки судлов органларининг хатоси тўғрйли ўлим жазосига ҳукм қилинганлар, ўлимидан кейин оқланганлар ҳам бор. Бундай хато эса ҳеч қачон кечирилмайди. Шу нукта назардан, Президент томонидан бу масалага ойдинлик киритилганлиги халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди.



Юртимизда анча йиллар илгари бекор қилинган ўлим жазоси энди ҳеч қачон қўлланилмаслиги Конституция билан ҳам қафолатланмоқда. Бу инсонпарварлик ўзбек халқи учун энг катта қадриятлардан бири эканлигини, янги Ўзбекистонда инсон қадрини ҳамма нарсадан устун эканлигини яна бир бор яққол намоён этмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг қўллаб давлатларнинг Конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда ақ этган "Миранда қонидаси" Асосий Қонунимизда ақ этириш борасидаги тақлифи ҳам катта аҳамиятга эга.

Давлат раҳбари томонидан тақлиф этилганидек, "Хабееас корпус" институти, яъни шахс суднинг қарорига қадр қўли билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, агар суд томонидан шахсини ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқача турдаги озодликни чеклаш ҳақида қарор белгиланган мuddатда қабул қилинмаса, бундай шахсини дарҳол озод қилиш кераклиги ҳақидаги меъёрнинг Конституцияимизда ақ этирилиши ҳам дастлабки тергов органлари томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Президентимизнинг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ваколатини Сенатга юксатиш тақлифи қилиши замирида ҳам катта маъно бор. Зеро, Ҳисоб палатаси Давлат бюджетни шаклланиши ва ижросини таъминлашда парламент ваколатлари назоратининг мустақил объектига айланади.

Янги биламиз, амалдаги қонунчилигимизга қўра парламентимиз Конституцияга ўзгариш киритиш ваколатига эга. Биринч дилдан эътироф этиш жоизки, ягона манбаи ва муаллифи — халқимиз бўлган Асосий Қонунимиз том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлиб қолади. Шу сабабли ҳам Президент Конституциявий комиссия тақлифи асосида Парламент томонидан ишлаб чиқил-

ган қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида қўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни тақлиф этди. Бу қарорни "Адолат" СДП фаоллари ҳам чин дилдан қўллаб-қувватлайди.

Умуман, учрашувада янграган фикрлар, давлат ва фуқаро ўртасидаги демократик, марказида инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари турадиган фундаментал муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича илгари сурилган тақлиф ҳамда гоғлар халқи кўп ўрганилади, халқимиз, кенг жамоатчилик ва етук мутахассислар томонидан хулосалар билдирилади, албатта. Зеро, конституциявий ислохотлар натижасида ҳар бир ватандошимиз "Янги Ўзбекистон Конституцияси — меннинг Конституциям" деб юксак ифтихор билан айта олиши жуда муҳим.

Инсон қадрини улғу ва доимий эътиборда

Ўлғубек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари:



— Давлатимиз раҳбарининг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашуви жуда кўп омилларга кўра давлатчилигимиз тарихида қолдиган ислохотларни амалга ошириш жараёнида халқимиз ҳар доимидек ҳамжихат, ҳамфикр бўлиб, келажимиз, авлодларимиз учун муҳим бўлган қарорлар қабул қилиниши жараёнида фаол иштирок этади, давлатчилигимиз тарихида янги, етук бир давр бошланишини қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича амалга оширилаётган конституциявий ислохотларда фуқароларимиз, кенг жамоатчилигимиз вакиллари, айниқса, ёшларнинг бефарқ бўлмастан, ўз тақлиф ва мулоҳазалари билан фаол қатнашаётгани ҳам жамиятимизда инсонпарварлик муҳитининг меваси, дейиш мумкин.</

# ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

*“Инсон — жамият — давлат” Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдирилиб, ҳаётимизда бош қадриятга айланиши зарур...*  
 Тарихий бир даврда яшаймиз. Ҳаёт ҳам, халқимизнинг дунёқараши ҳам ўзгармоқда. Ислохот ва янгиланишлар нафақат ҳаётимизда, балки халқимиз онгу тафаккурида ҳам кечмоқда. Бу мамлакат Конституциясини янада такомиллаштиришни талаб этади.  
 Хабарингиз бор, жорий йил 20 май куни Олий Мажлис палаталари Кенгашлари томонидан Конституциявий комиссия тузилди. Комиссияга халқимиздан 48 минг 492 та таклиф келиб тушди.

## Акс садо

Бу борада юз бераётган баҳс-мунозаралар, таклиф ва тавсиялар, муҳокамалар шуни кўрсатадики, халқимиз конституциявий ислохотларга тайёр. Бу сиёсий ва ўта масъулиятли жараёнларга бефарқ эмас. Бу кейинги олти йилда халқимизга берилган сўз ва фикр эркинлиги, матбуот мустақиллиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг бебаҳо маҳсулидир.

1992 йил. Бундан 30 йил олдин қабул қилинган Ўзбекистон Конституцияси шу кунгача халқимиз хоҳиш-иродасининг рўёби сифатида хизмат қилиб келмоқда. Лекин на вақт, на давр, на таракқиёт, на инсон тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар бир ўринда тўхтаб туради. Айниқса, 2016 йилда мамлакат бошқарувида ўз берган алмашинув Ўзбекистон давлатчилигида халқимиз ҳаётида бутунлай янги бир даврни бошлаб берди.

Бу янги Ўзбекистон гоёсида ҳам ўз ифодасини топган. Биз нафақат Ватанни улуғлаш, миллатни юксалтириш, халқимизни рози қилиш, ҳаётини бутунлай ўзгартириш, Ўзбекистоннинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатида ҳам туб бурилиш яшаш сиёсатини илгари сурди.

Хар қандай ислохотлар ё давлат тизimini ўзгартириш йўлидан ёки халқ ҳаётини янгилаш, ё иқтисодийга қаратилганлиги билан кечинишга кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Лекин Ўзбекистонда ўз берган ислохотлар бутунлай бошқача қиёфа касб этди.

Ислохотлар марказида инсон турибди, қолган барча янгиланишлар мана шу инсоннинг атрофида кечганлиги, назаримизда, бутун дунё учун янгилик бўлди, деб айтишга тўла асослар бор.

Шунинг учун ислохотлар негизида намоён бўлган инсон нафақат ҳаёти ўзгаришини, балки бутун тафаккури янгиланишини, ўзини фақат ва фақат мамлакат Конституцияси бошқаришини исташи табиий.

Кейинги олти йилда халқимиз дунёқараши шунчалик ўзгардики, бугунги кунга келиб, халқ конституциявий ислохотларга катта эҳтиёт сеза бошладди. Бу айрим одамлар ўйлаганидек баъландарвоғ гап эмас.

Бугун Ўзбекистон халқи Президент Шавкат Мирзиёев сиймосида ўз раҳнамосини кўрмоқда. Халқимиз бу борада кимнингдир маслаҳатига муҳтож эмас. Халқимиз танловини, хоҳиш-истагини, талаб ва таклифини ҳурмат қилишга ҳамда ҳисоблашишга мажбурмиз.

Дунёдаги биринчи Конституция 1787 йил 17 сентябрда АҚШда қабул қилинган. Ушанда Бенжамин Франклин

шундай деган: “Муҳокама давомида мен мажлис раиси ортидаги кўёшга тез-тез назар ташлаб турдим, аммо унинг кўтарилаётганини ёки ботаётганини англамадим. Бироқ энди охири-оқибат мен кўёш ботаётганини эмас, балки кўтарилаётганини фахлаганимдан гоёт бахтиёрман”.

Давр тақозоси жаҳоннинг ушбу биринчи Конституциясига ҳам ўзгаришлар киритишни талаб этганлигига тарих гувоҳ.

АҚШ Конституциясига ўтган давр мубайнида 27 та ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Америка Қўшма Штатлари тарихий Президентни Жорж Вашингтон АҚШни ўз вақтида таназзулда олиб чиққанлиги билан ҳам Америка халқининг буюк ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган.

## Инсон қадрни сарбаланддир

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари янгиланаётган Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топиши ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига фахр-ифтихор бағишлайди.

Шундай даврлар бўлдики, инсон қадрни бутунлай топтади. Инсон ҳаёти, тақдирини кимларнингдир хоҳиш-истаги билан бошқарилди. Дахлсиз ҳуқуқлар ҳақида гапирилар, ёзилар, лекин амал қилинмас эди. Назаримизда, янгиланаётган Ўзбекистон Конституцияси айнан инсон қадрини улуғлашга қаратилган, йўналтирилгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги маъхумликка барҳам берилади. Инсон учун муҳим бўлган барча ҳуқуқлар аниқ-аниқ ифода этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда алоҳида тақидлаганидек: “Биз ишлашга — иши, яшашга — ўйи бўлган, фуқаролари тинч ва эркин, ҳаётини дамнинг, дастурхони тўкин, оиласи бахтиёр ва фаровон яшайдиган давлат қуришни мақсад қилганмиз. Ана шундай буюк ишлар арафасида турибмиз. Кучли иқтисодийёт барпо этиб, дунёда муқим бўлишни эгаллашимиз, халқимизга юксак шароитлар яратиш учун ҳам жуда кўп ишларни биригилдида амалга оширишимиз керак. Бетақдор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш — барчамизнинг бош мақсадимиздир. Мен бутун халқимизни ана шу буюк мақсадга эришишга ўзаро бирдамликка ва ҳамжихатликка чақираман”.

Ўзаро бирдамлик ва ҳамжихатлик таъминлаш жамият учун қанчалар муҳимлигини, зарурлигини чуқур англаб етишимиз керак. Аслида барча эзгу мақсадларимиз рўёби замирида ҳам бирдамлик ва ҳамжихатлик мужассамлашганини нутишга ҳаққимиз йўқ.

Инсон қадрни бўйича Ўзбекистон танлаган йўл, тўплаган тажрибамиз, кейинги олти йилда бу борада эришилган ютуқларимиз нафақат халқимиз томонидан, балки жаҳон ҳамжамиятининг ҳам эътирофига сазовор бўлганлигини алоҳида таъкидлашни истаймиз. Янгиланаётган Конституциямизнинг тўртта устувор йўналишининг биринчиси инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатларига қаратилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Биз бундай ҳулосага келишимиз учун қисқа муддатда узоқ йўлни босиб ўтганмиз ҳам бор гап.

Инсон ҳаёти ва унинг қадр бора-бора ортада қолиб кетганлигини 2016 йилга келиб, янада чуқурроқ ҳис қилганман. Давлат қудрати унинг табиий бойликлари билан ҳарбий кучи, иқтисодий имкониятлари билан ўлчанадиган замонлар аллақачон ўтиб кетган.

Бугун халқнинг, аввало, турмуш даражаси, ҳуқуқлари, интеллекти, дунёқараши, тафаккур оламига қараб баҳо бериш урфга айланди. Инсон тафаккури, инсоннинг ҳаётдан розилик даражаси, унинг ҳақ-ҳуқуқлари сўзсиз таъминланиши бу ҳар қандай давлат қудратидан муҳимроқдир.

Тарихдан маълумки, бугунги ривожланган, тараққий этган давлатлар ҳам дастлаб мамлакат қудратини оширишга катта эътибор қаратган. Ўзбекистонда, аввало, инсон қадрни биринчи ўринга кўтарилди.

Давлат ва жамият инсон тафаккури махсули бўлиб, тараққиётнинг маълум бир даврига келганда давлат ва жамият инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини чеklangанлик ҳолатларига ҳам дуч келди.

Бугун Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституциясига “Инсон — жамият — давлат” тамойили киритилаётгани бежиз эмас.

## Ўзбекистон — ижтимоий давлат

Ижтимоий давлат тушунчаси илк марта истеъмолга киритилмоқда. Нафақат истеъмолга киритилди, балки янгиланаётган Конституциямизда ўз ифодасини топмоқда. Тан олиш керак, мустақилликнинг дастлабки чорак асрлик даврида биз ижтимоий муаммолардан кўз юмиб яшадик. Бу борада ҳеч қандай статистика юритилмади.

Олдий одамларнинг фикр-мулоҳазалари, эътирозлари, шикоят ва аризалари ўрганилди, жавоб қайтарилмади, масаласи ҳал этилмади. Одамларда давлатга, келажакка бўлган ишонч йўқолди. Мана олти йилдирки, шу ишонч йўқолиб қайтариш йўлида ҳаракат қиляпмиз.

Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда таъкидлаганидек: “Бир сўз билан айтганда, давлатнинг эркаклар ва аёллар, оилалар ва болалар, ёшлар ва нурунийлар, ногиронлиги бор шахслар, мамлакатда ёки унинг ташқирисидда бўлишдан қатъи назар, барча инсонлар ҳақида қайғуриши Конституцияда мустаҳкамланиши зарур”.

Ижтимоий давлатда ҳар бир инсон учун муносиб яшаш шароитлари кафолатланади. Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Бир инсон муаммоси бутун жамият муаммоси, деб қаралади. Инсонлар ўз ташвиш ва қийинчиликлари билан ёлғиз қолдирилмайди. Минг афсуски, яқин тарихда бунга амал қил-

мадик. Одамлар дарду ўйи билан яшамдик, кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олдик. Натихада инсон жисмидаги мана шу кичик орқилар жамият заифлашишига, касалланишига олиб келди.

2016 йилда Президент Шавкат Мирзиёевга қанчалар катта ижтимоий муаммолар мерос қолганлиги бир кун келиб, тарихий баҳо берилишига ишонаман.

Мана, олти йилдирки, ижтимоий муаммоларни бартараф қилишга бутун мамлакатдаги каттаю кичик раҳбарлар сафарбар этилганлигига қарамасдан хали ҳам қилиниши зарур ва шарт бўлган юмушлар кўп.

Аҳолини уй-жой билан таъминлашда давлат иштироки бутунлай йўқ эди. Ачинарлиси, миллионлаб оилаларнинг том маънодаги фожиясига айланган уй-жой масаласида давлат сукат сақларди. Бунинг натижасида одамларнинг эртанги кунга бўлган умиди бутунлай сўнганди. Кейинги олти йилда мустақилликнинг дастлабки йигирма беш йиллида қилинмаган ишлар рўёбга чиқарилиб, қанча уй-жойлар барпо этилди. Одамлар биринчи марта ўз ҳаёти, яшаш шароити, давлат учун муҳимлигига ишонч ҳосил қилди.

Ўзбекистонда оиланинг иқтисодий ва маънавий асослари ҳақида гапирила бошланди. Бизга ёд бўлган мазкур тушунчалар одамларни онгига сингдирди.

Тарихда биринчи марта оила олдидаги давлатнинг масъулияти, керак бўлса бурчи ҳамда вазифалари тан олинди. Ойлик маош, ижтимоий химоя, бандлик ва бошқа инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида улкан натижаларга эришилди.

Болалар манфаатларини таъминлаш ва тўлақонли ривожланиши учун барча шароитни яратиб беришни давлат зиммасига олмақда. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам жаҳон стандартларига эришиш йўлида тинимсиз ҳаракат қилинмоқда.

Мана “Ўзбекистон ижтимоий давлат” гоёси нима учун илгари сурилмоқда?!

## Маҳалла мақоми янада юксалади

Маҳалла институти ҳақида жуда кўп гапирилса-да, мазкур тузилма ҳаётимиздан мустақкам ўрин эгалласа-да, амалда маҳалла туман, шаҳар ҳокимларининг вазифа ҳамда топшириқларини ижро этувчи механизмга айланб қолган эди.

“Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” шиори ҳам ҳаётда ўз аксини топти йўқ. Фақат 2016 йилдан бошлаб, маҳалла институтини шакллантириш, унинг ваколатларини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятига четдан аралашувини бартараф этиш борасида илк қадамлар ташланди.

Бизнингча, фақат Ўзбекистонда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги тасвир этилган. Бу нима англатади?

Биринчидан, айнан маҳалла институти фуқаролик жамияти рамизи ҳисобланади. Маҳалла тузилмаси ваколатларининг тобора кенгайиши босқичма-босқич давлат ва жамият ўртасидаги манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, ижро ҳокимиятида барча



ваколатлар йиғилиб қолиши ҳам фуқаролик жамияти тамойилларига зид. Бугунги кунда Ўзбекистонда шаклланаётган маҳалла институти демократиянинг яққол кўриниши экан, фуқаролик жамияти борасида тадқиқот олиб борувчи халқаро жағмаралар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон Конституциясида маҳалла мақоми ҳам ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир. Давлат органларининг маҳалла институти борасидаги вазифалари аниқ белгиланиши керак.

Учрашувда таъкидланганидек, бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиши, бунинг учун давлат органлари уларга кўмак қўришишга оид тамойиллар жамият ривожини учун гоётда муҳимдир.

## Халқ ҳокимиятчилиги кучайтирилмоқда

Юртимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш, халқ ҳокимиятчилигини янада кучайтириш борасида ҳам ислохотлар олиб боришмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда мазкур масаланинг аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрни билдирди: “Биз эл-юрт ташвиши билан яшайдиган халқлик давлат барпо этишни кўзлаганмиз. Бу шуни англаш керак, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари халқ учун ишлади, унга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилди. Конституцияда давлат органлари фаолиятида очиқлик, шаффоқлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ихчам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритишни таклиф қиламан”.

Эътибор қилинг, халқлик давлат тушунчаси ҳам илк бор ишлатилди. Бу аслида миллионлаб халқимизнинг энг катта оруз ва истагидир.

Халқлик давлат нимадан англатади? Бу тамойил замирида нималар мужассамланган? Давлатнинг халқчилик тамойилига таяниши, энг аввало, халққа миллий гурур бағишлайди. Мана шу мағрурлик халқни буюк мақсадлар, бунёдкорлик, яратувчиликка ундайди. Бу ўринда халқ сўзининг давлат сўзидан олдин ишлатилаётганлигига ҳам эътибор бериш керак. Бу бежиз эмас, албатта. Аслида халқ давлат асосидир. Демак, давлат халқлик бўлиши жуда муҳим ва зурур. Халқ давлат бошқарувидаги ўз ўрнини билиши ва англаши

инсон тафаккурида буюк ўзгаришлар бошланишига олиб келади.

Ҳукумати шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлис ваколатлари янада кенгайди. Президентнинг айрим ваколатлари Олий Мажлисга ўтказилиши борасида ҳам таклифлар ўртага ташланди.

Ҳокимларнинг бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига бошчилик қилиши ҳақидаги қоидалар Конституциядан чиқариш вақти аллақачон келганлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз тарихда биринчи марта Конституцияга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этишни илгари сурди.

Бу қоида орқали халқ бевосита ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритади. Юз минг кишидан кам бўлмаган микдордаги фуқаролар ўз қонунчилик таклифларини Олий Мажлис қонунчилик палатасига киритиш имконига эга бўлади. Бу тажриба ҳам сўзсиз ўзини оқлашига ишонаман. Бу одамларга фикр айтиш имкониятини яратади. Одамларда бефарқлик иллатига барҳам беради. Шу кунгача халққа берилган бир қатор маҳкам ваколат ва ташаббусларга аниқлик бағишлайди. Масъулият фақат давлат томонида бўлиб қолмайди, халққа ҳам кўчиб ўтади.

## Бош қомусимиз ўзаро бирдамлик ва ҳамжихатлик маҳсулига айланади

Конституциявий комиссиянинг бир аъзоси сифатида Президентимиз билан учрашувдан жуда тасвирландим. Аввало, халқимиз учун қувондим. Қалбимда шукроналик ҳисси пайдо бўлди.

Бир ҳақиқатни халқимиз чуқурроқ билишини, англашини истаймиз. Конституциявий ислохотлар замирида, аввало, юрдушларимизга маҳусиб ҳаёт даражасини яратиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, ўлим жазосини тақийлаш, ҳусусий мулк ҳуқуқини кафолатлаш, қийноққа солишларнинг олдини олиш, суд қарорисини мажбурий ушлаб туришга барҳам бериш, таъийиқлар, таҳқирларга чек қўйиш, тадбиркорликка гов бўладиган ҳар қандай иллатлар билан мурося қилмаслик каби инсонпарвар мақсадлар мужассамлашган.

Биз тарихий бир даврга гувоҳ бўляпмиз. Нафақат гувоҳ, балки мазкур жамият барпо қилинишида иштирок ҳам этапмиз.

Президентимизнинг ҳар бир сўзида халқни давлатдан устун қўйиш, давлат хизматчиларининг халқ олдидаги ҳисобдорлигини ошириш тамойили мужассамлашган.

Конституция бу қотиб қолган ҳужжат эмас. Айнан Конституция инсонларнинг янги хоҳиш-истакларини ифодалашни шарт ва зарур.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Конституцияси Президент таърифлаганидек ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишига ишонамиз.

**Рустам ХОЛМУРОВОВ,**  
Конституциявий комиссия аъзоси,  
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ БИТУРУВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ



Олий Мажлис Сенатида Президент мактаблари битирувчилари ва сенаторлар учрашуви бўлиб ўтди. Парламент юқори палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Сенат Раиси Т. Норбоева, агентлик директори Х. Умарова, сенаторлар, Нукус, Хива, Наманган ва Тошкент шаҳридаги Президент мактабларидан 92 нафар битирувчи ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

## Олий Мажлис Сенатида

Учрашув давомида ёшлар юртимизда амалга оширилаётган ишлар, йирик ўзгаришлар, парламент иш фаолияти, хусусан, Сенат ва сенаторлар иш кўни, яппи мажлислар залида қонунлар муҳокамаси билан яқиндан танишди.

Таъкидланганидек, айни пайтда республикамиздаги 4 та Президент мактаби ўзининг галдаги битирувчиларини катта ҳаётга қузатмоқда. Жумладан, Тошкент ва Хива

шаҳарларидаги Президент мактабларини 24 нафардан, Наманган ва Нукус шаҳарларидаги мактабларини эса 22 нафардан фарзандларимиз битириб чиқяпти.

Эътиборлиси, жами битирувчиларнинг 65 фоиздан кўпроги Янги Ўзбекистон университетида ўқиш истагини билдирган.

Мулоқот давомида айтилганидек, улар орасида “Эл-юрт умиди жамғармаси” танловини

голиб бўлган ёшларимиз ҳам талайгина. Айни чоғда битирувчилар Топ мингталикка кирувчи Аризона университети, Миами университети, Бристол университети каби 100 дан зиёд маҳаллий ва хорижий олий ўқув юртиларидан ўқиш таклифларини олган.

Сенат Раиси Президент мактаблари битирувчиларини ушбу ютуқлар билан қутлади ҳамда уларга омад тилади.

Шунингдек, учрашув жараёнида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олиш имконига эга бўлди.

«Халқ сўзи».

## Мушоҳада

Маълумки, БМТ томонидан тасвир қилинган “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш мақсадлари”га ҳамохан бўлган Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтиш орқали муҳим мақсад ва самарадорликка эришиш мумкин.

Аввало, бюджет соҳасидаги қонунчилик сифати ва бюджет ҳаражатлари самарадорлиги ошадиган, жамоат ва ҳукумат назорати қўяди, фуқароларнинг ҳукумат бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

Қолаверса, вазирлик ва идоралар устувор вазифалар асосида белгиланган мақсадларга эришиш ва уларнинг ижроси юзасидан жавабгарлигини кучайтиришга эришилади.

Шу билан бирга, вазирлик ва идораларга Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар самарадорлиги ва натижадорлиги таъминланади, ажратилган маблағлар ҳисобидан эришилган натижа, яъни мақсадли индикаторларни баҳолаш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, марказий ва маҳаллий даражада давлат бошқаруви такомиллаштирилади.

Ўз навбатида, дастурий мақсадларни ишлаб чиқиш, дастурлар ижросининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга ошириш бўйича ҳисоботлар тартиби такомиллаштирилади.

Шу боис ҳам, сал илгари айтиб ўтганимиздек, бу борада муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, Президентнинг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бюджет ҳаражатларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида 2021 йилда тажриба тариқасида Соғлиқни сақлаш, Сув ҳўжалиги ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва Авто-

мобиль йўллари қўмитаси фаолиятини мақсадли индикаторлари йўлга қўйилди.

Ана шу ишларнинг мантиқий давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан 40 та биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2022 — 2024 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларни тасдиқланди.

Мисол қилиб Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Болаларни вакцинация қилиш дастурини келтириш мумкин. Ушбу дастурнинг мақсади болаларни энгла календарини бўйича вакцинациялаш орқали аҳоли орасида эпидемиологик барқарорлиқни таъминлашдан иборат. Иммунизация миллий дастури асосида вакцина билан эмланган болалар қамрови 95 фоизга, 12 турдаги вакцина билан эмланган болалар сони 850 мингга етказилди.

Дастурий бюджетлаштиришга тўла ўтиш учун 2022 — 2025 йилларда бир қатор муҳим тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Масалан, дастурий бюджетлаштириш тизимини тартибга солуви низоми лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур. Негаки, бу фойдаланувчилар учун қўлайлик яратади.

Молия вазирлиги томонидан дастурий бюджетлаштириш тизими бўйича вазирлик ва идоралар учун ўқув курслари ва тренинглар мунтазам ўтказиб борилиши мумкин. Чунки бу мазкур йўналишдаги ишларни янада самарали ташкил этишда қўл келади.

## Қуйидаги вазифаларни ҳам амалга ошириш талаб қилинади:

- “Очиқ бюджет” ахборот порталида вазирлик ва идоралар мақсадли индикаторларини акс эттириш;

- қонунчилик базасини

# МИЛЛИЙ ТАЖРИБА, ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЯНГИ НОРМАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар электрон тижорат, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, географик объектларга ном бериш тартибига оид бир қатор долзарб қонун лойиҳалари ҳамда бошқа масалаларни атрофлича кўриб чиқдилар.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### Ҳаволаки нормалар лойиҳадан чиқарилди

“Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат жорий йилнинг 15 март куни депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Утган вақт мобайнида қонун лойиҳаси депутатлар берган тақлиф ва тавсиялар асосида маромига етказилди. Ҳаволаки нормалар лойиҳадан чиқарилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар киритилди.

Қонун лойиҳасида электрон ҳужжатларнинг юридик кучи, офертага қўйилган талаблар, электрон ҳужжатларни сақлаш хусусиятлари, электрон битимни амалга ошириш тартиби, электрон шартномаларни тузиш шартларини белгилаш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, электрон тижоратда хариддорнинг шартлари тўлиқ қондирилмагунча ахборот тизимида пул маблағларини ушлаб туриш имкониятини берувчи пулни депонентлаш тизимини жорий қилиш, юридик шахслар билан бир қаторда ўзини ўзи банд қилган шахсларга электрон тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш белгиланмоқда.

Кайд этилишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳа ривожига ҳисса қўшиш билан бир қаторда, унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Давлат рўйхатидан ўтказиш тизими такомиллаштирилади

Мажлисида депутатлар томонидан “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, қонун лойиҳаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ бўлган қоидаларнинг ўзаро мувофиқлаштирилмаган нормаларини бартараф этишга, бир-бирига зид атамалар ҳамда тушунчаларнинг бирхиллигини таъминлашга ҳизмат қилади.

Қонун лойиҳасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестри, рўйхатдан ўтказиш ишини ва бизнес жараёнларини электрон шаклда ахборот тизимлари орқали юритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мулкдорнинг қарори ёки мулкдорларнинг битими асосида кўчмас мулкларни бўлиш ва қўшиш механизм-

ларини жорий этиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишни рад этиш асосларининг аниқ рўйхати белгиланмоқда.

Бундан ташқари, ваколатли органлар қарори асосида кўчмас мулкка таъқиқ қўйилганда, бу ҳақда ҳуқуқ эгаларини хабардор этиш кўзда тутилмоқда.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Жавобгарлик кучайтирилмоқда

Мамлакатимизда кейинги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, хотин-қизларни таъқиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга, улар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳолида қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Таъқиқ ва зўравонликдан жабрланувчи га давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга таъқиқ ўтказмаган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир қилган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонуний тасвир кўрсатиш чоралари сифатида “ҳимоя ордери” институти жорий этилди.

Қонунчиликка мувофиқ, ҳимоя ордери таъқиқ ва зўравонликдан жабрланувчи га тақдим қилинади. Унинг нуسخаси таъқиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга берилади. Мазкур шахслар ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуруларидан ўттиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилинади.

Қолаверса, ҳимоя ордери талабларини бажармаслик, амалдаги қонунчиликка қўра, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача даражада жарима солинишига ёки ўн беш суткагача муддатта маъмурий қамоққа олинишига сабаб бўлади.

Бироқ тегишли жавобгарлик белгиланган бўлишига қарамастан, таъқиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир қилишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармасдан хотин-қизларга нисбатан такроран таъқиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 206-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат Олий Мажлис-

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мажлисида қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик учун белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача даражадаги жаримани — беш бараваридан ўн бараваригача этиб белгилаш тақлиф қилинмоқда.

Қонун ташаббуси ҳуқуқий субъектига қўра, жарима миқдорининг оширилиши таъқиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир қилган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талаблари бажарилишига, хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг таъминланишига ҳизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди.

### Жамоат хавфсизлиги йўналишида янги нормалар

Депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда ички ишлар органлари тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ички ишлар органлари фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, фуқароларга давлат хизматларини кўрсатишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини назарда тутишни бир қатор янги нормалар қонунчилик ҳужжатларига киритилди.

Мазкур қонун лойиҳаси ушбу йўналишда олиб борилаётган савий-ҳаракатларнинг мантаний давоми сифатида ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг жамоат хавфсизлиги йўналишида қўрилаётган чоралар ва уларнинг натижалари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кеңашлари мажлисларида ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, ички ишлар органлари тизимидаги маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг фаолиятини ташкил этиш асосларини белгилайди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Никоҳни қайд этиш жараёни соддалаштирилади

Халқ вакиллари “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг тегишли моддаларига ўзгаришлар киритилиб, никоҳни қайд этишнинг бир ойлик муддати ва уни қис-

картириш учун асос бўлувчи ҳолатлар бекор қилинмоқда ҳамда никоҳланувчи шахслар мажбурий тиббий кўрикдан ўтганларидан сўнг никоҳни расмийлаштириш тартиби белгиланяпти.

Амалдаги Оила кодексига қўра, никоҳланувчилар ФХДЕ органларига ариза берганларидан кейин 1 ой ўтгач, уларнинг никоҳи қайд қилинади. Ушбу вақт доирасида никоҳланувчилар мажбурий тиббий кўрикдан ўтишади. Алоҳида ҳолларда (ҳомилдорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар) ушбу муддатдан олдин рўхсат берилиши мумкин.

Ушбу муддатни қисқартириш учун асос бўлувчи ҳолатлар аниқ белгиланмагани сабабли қонун нормаси амалиётда турлича қўлланилмоқда. Шу билан бирга, бутунги кунда никоҳни қайд этиш билан боғлиқ қатор салбий ҳолатлар учраётди.

Қонун лойиҳаси билан никоҳни қайд этиш билан боғлиқ ортиқча қозғобозлик ва бюрократик ҳолатлар бартараф қилинади, никоҳни қайд этиш жараёни соддалаштирилади, никоҳни ўз вақтида қонуний расмийлаштириш имконияти яратилади.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Географик объектларга ном бериш тартиби

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан ишлаб чиқилган — “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимчалар ва ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, қонун лойиҳасида аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, ҳибонларга) Ўзбекистон ва жаҳон тарихида чукчур из қолдирган шахсларнинг исм-шарифини бериш механизмларини тартибга солиш кўзда тутилган.

Шунингдек, лойиҳа билан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини тайёрлашда мазкур географик объект жойлашган ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинishi белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан депутатлар томонидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилиб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Бош вазир ўринбосарига парламент сўрови юборилди

Кейинги йилларда мамлакатимизда туризм салоҳиятини ошириш, шу жумла-



дан, экотуризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Туризм соҳасини равақ топтиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга қаратилган “Туризм тўғрисида”ги Қонун, Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Натижада туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлар ҳамда дам олувчилар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, туризм соҳасининг субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими яратилди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 35-мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказиш вазифаси белгилан қўйилди.

Мамлакатимизда туризм хизматлари соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2021 йилда 1,7 млн. нафар хорижий сайёҳга ва 7,7 млн. нафар маҳаллий сайёҳга хизмат кўрсатилиб, туризм хизматлари экспорти 400 млн. долларга етказилди. Шунингдек, республика бўйича жами 148 та меҳмонхона, 128 та туристик ташкилот ҳамда 1 015 та оилавий меҳмон уйи ташкил қилиниб, 4 634 та иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси томонидан “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши ҳамда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини янада ошириш, шу жумладан, экотуризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ўрганилганда, соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор тизимли масалалар мавжудлиги аниқланди.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири А. Абдуҳақимовга “Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шу жумладан, экотуризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ (Халқ сўзи).

# МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҲОЛАТИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси томонидан ташкил этилган мажлисида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати танқидий кўриб чиқилди.

## Сенат кўмитасида

Таъкидланганидек, таҳлилларга кўра, келиб тушган мурожаатлар сони 100 тагача бўлган ташкилотлар орасида кўтарилган масала-

ларни ҳал этиш, ўз вақтида кўриш ва такрорий мурожаатларнинг олдини олиш кўрсаткичларини мўлҳасамлаштирувчи мурожаатлар билан ишлаш самардорлиги индекси бўйича Кинематография агентлиги ҳамда “Ўзагролизинг” АЖ энг паст натижани кайд этган. Ушбу тузилмаларда мурожаатлар билан ишлаш етарли даражада ташкил қилинмаган.

Шунингдек, мурожаатлар

100 тадан 1000 тагача бўлган ташкилотлар орасида Спортни ривожлантириш ва Маданият вазирликлари, мурожаатлар 1000 дан ортиқ бўлган ташкилотлар ичида эса Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси, Адлия ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирликлари энг паст кўрсаткичга эга бўлган.

Ушбу ҳолат маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари мисолида кўриб чиқилганида, Наманган ва

Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлик Кеңашларида мурожаатлар билан ишлаш паст экани аён бўлди.

Шулардан келиб чиқиб, йилги ишда мурожаатлар ўз вақтида ижобий ҳал этилмагани боис улар сони кескин ошиб кетишига сабаб бўлаётгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларни мурожаат этишга мажбур

қилаётган муаммоларни жойларда ҳал этиш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш бўйича катъий чоралар қўрилмаганлиги танқид қилинди.

Муҳожима натижалари юзасидан Сенат кўмитаси томонидан мутасадди идораларга зарур тавсиялар берилди ҳамда улар тегишли қарорда акс эттирилди.

«Халқ сўзи».

# ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН 45 – 50 ТОННА КАРТОШКА ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида Самарқанд вилоятида Булунғур, Жомбой, Тойлоқ, Ургут ва Самарқанд туманлари айлани йўналишига ихтисослаштирилди.



## Омилкорлик

Жорий йил Тойлоқ туманида қарий 2 минг гектар ерга картошка экилган бўлиб, 42 минг тоннадан ортиқ ҳосил йиғиштириб олинishi кўтилмоқда.

— Картошка етиштиришда агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилиши жиддий назоратга олингани боис ҳосилдорлик ҳар йилгидан юқори бўлди, — дейди “Ўзагроинспекция”нинг Тойлоқ тумани бўлими бошлиғи Зойир Эшонқулов. — Ҳар гектар ердан

45 — 50 тоннадан ортиқ ҳосил олаётган фермерларнинг сафи кенг. Далалардан йиғиштириб олинаётган картошка пешма-пеш савдо дўконлари, дехқон бозорларига етказиб бериляпти.

Этиборли жиҳати, картошка ҳосили бозор расталарига чиқарила бошлангач, ушбу мақсулот нархи сезиларли тарзда арзонлашди. Бутунги кунда бу ерда етиштирилган картошка нафақат Самарқанд, балки республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам етказилаётди.

Абдулазиз ЙЎЛДШЕВ (Халқ сўзи).

# Тошкент шаҳрида дўкон ва меҳмонхона томларида умумий овқатланиш шохобчаларининг очилиши муносабати билан

ПГС ишлаб чиқариш корхонаси кафе ва ресторанлар учун оловга хавфсиз, энергосамарадор ҳамда ишончли экологик тоза мангал ва электр уочқларини тақлиф қилади. Атроф-муҳит ва саломатликка зиён етказмайдиган, тутунсиз, дудсиз, кўмир ва ўтинсиз овқат тайёрланг.

INNOVATION KANSEROGENSIZ

**EKO QOZON va MANGAL**

tutunsiz oddiy va foydali

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

Tel.: 71-279-38-54, 71-279-25-23. [www.pgs.uz](http://www.pgs.uz)

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кеңашини,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кеңашини

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 259 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефони орқали сканер қилинг.

Таҳририятга келган қўсемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.40 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6